

Сирожиддин СОТВОЛДИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси стажёр-ўқитувчиси

АРАБ ЛУҒАТШУНОСЛИГИДА «МУСАЛЛАС» УСЛУБИДА ЛУҒАТ ТУЗИШ АНЪАНАСИНING ШАКЛЛАНИШИ

Араб тилида «луғат» («словарь») сўзининг муқобилида «муъжам» атамаси ишлатилади. Араблар «العجم – al-‘ajam» сўзи билан «ноаниқ, тушунарсиз, қоронғи» бирор ҳодисани номлашади, жумладан аҳолисининг тили ва урф-одатлари арабларга нотаниш ўлкаларнинг «ажам» деб аталиши ҳам шундан қолган.

Агар «тушунарсизлик»ни ифода этаётган «العجم – al-‘ajam» ўзагининг олдида битта «أ – ҳамза» орттирилса, «الأعجم – al-‘a‘jam» сўзи ҳосил бўлади. Бу «ҳамза»ни наҳв уламолари «бекор қилувчи ҳамза» деб атайдилар. Негаки у муайян ўзаклар аввалига қўшилиши билан унинг дастлабки маъносини «бекор қилиб», унга тамомила тескари маъно юклайди. Демак, «العجم – al-‘ajam»даги «тушунарсизлик» шу ҳамза туфайли «тушунарлилик»ка айланади.

«Муъжам» сўзи ҳам шу ўзакнинг ҳосиласидир. Дарҳақиқат, унинг ёрдамида ўзимизга нотаниш бирор тилни тушунамиз (икки ва ундан ортиқ тилли луғатлар) ёки она тилимиздаги маълум лексеманинг бизга қоронғи маъно қатламларини кашф этамиз (бир тил доирасидаги изоҳли луғатлар).

Араблар сўзнинг икки жабҳасини мулоҳаза қилар эдилар: лафз (шакл) ва маъно. Луғатлар ҳам шу жабҳаларни англаш эҳтиёжи ўларок

тузила бошлаган. Шунга кўра, сўзларнинг шакл-ўзак луғатлари ва маъно луғатларини ажратиш ўринли бўлади.

Шакл-ўзак бўйича тузилган луғатлар алифбо ҳарфларининг тартибланишига кўра бир неча кўринишларда бўлиши мумкин:

– савтий тартиб (товушларнинг ҳосил бўлиш ўрни (махражи) даражалари)га кўра тузилган луғатлар;

– алифбой тартиб (ҳарфларнинг алиф-бодаги жойлашуви)га қатъий риоя қилинган ҳолда тузилган луғатлар;

– абжадий тартибдаги луғатлар (бу араблар билган энг қадимий усул бўлиб, «финикийча тартиб» ҳам дейилади; бунда бирорта луғат ёзилгани маълум эмас. Араблар дастлабки икки турдан кенг фойдаланишган).

Шакл-ўзак луғатлари уч йирик мактабга тақсимланади:

1. Савтий (махражий) тартибга асосланган мактаб.

2. Алифбой тартибга асосланган мактаб. Мазкур икки мактаб луғатлари ичида ҳам кичик тақсимот ўтказиш мумкин. Бунда сўзларни тартиблашда ўзакнинг қайси ҳарфига таянилгани ёки таянилмагани ҳисобга олинади:

– сўз ўзагини ташкил қилган ҳарфларнинг алифбо тартиби бўйича кетма-кетлиги асосида;

- сўз ўзагининг биринчи ҳарфи асосида;
- сўз негизининг биринчи ҳарфи асосида;
- сўз негизининг охириги ҳарфи асосида;
- сўз ўзагининг охириги ҳарфи асосида.

3. Ўзак ҳарфларининг сони (икки, уч, тўрт, беш ўзак ҳарфли сўзлар)га асосланган мактаб.

Араб лексикографияси тарихидаги биринчи луғат муаллифи сифатида Халил ибн Аҳмад Фароҳидий (ҳижрий 100–175 йиллар) эътироф этилади. Унга нисбат бериладиган «Al-‘aun» муъжамининг муҳим жиҳати – унинг тузилиш тартибидан ташқари – муаллиф унда арабий лафзларни уларни тадқиқ қилиш йўли билан эмас, балки арифметик мантиқ йўли билан тўплаганидир.

Араб лексемасидаги сўзлар икки, уч, тўрт ёки беш ўзак ҳарфли бўлиши мумкин. Ўзак ҳарфларининг ўзаро ўрин алмашиши (табдил) мумкин бўлган ҳар бир ҳолатни барча эҳтимолларигача ҳисоблаб чиқиш мушкул вазифа эди. Агар бу иш амалга оширилса, назарий жиҳатдан, араб тилининг барча сўз бойлиги имкониятларини тасаввур қилиш осон бўларди. Халил ибн Аҳмад бу ишнинг уддасидан чиқди. У ишлаб чиққан қоида бу муаммони ҳал этишга имкон берди ва ҳозирги тилшуносларнинг фикрича, араб тилининг сўз захираси 12 миллиондан зиёддир.

Худди шунингдек шаклдош-талаффуздош (يُظْفَلُّ الْكَرْتَشْمُ) сўзларни ўрганишга қаратилган мустақил тадқиқотлар ҳам узоқ тарихга эгадир. Бу хил тадқиқотларнинг ўз анъана ва принциплари бўлиб, улардан бири «мусаллас» («учлик») услубида луғат тузиш анъанасидир.

Юқорида араб луғатчилигининг кўп асрлик тарихига назар ташлаб, нафақат луғатларга тартиб беришдаги хилма-хил услуб ва мактаблар, сўзларнинг лексик-семантик ва стилистик хусусиятларига бағишланган ранг-баранг илмий рисоалар ҳам ҳақида ҳам сўз юритилди. Айниқса, улар орасида уржуза-луғатлар ҳам учрайдики, бу хил асарлар ёд олиш ва илмий баҳсларда далил келтиришга қулай бўлган.

Шаклдош-талаффуздош сўзларни ўзида жамлаган илк луғат ҳам ражазда битилган. Бироқ луғатчилик тарихидаги биринчи «Al-muthallath» манзумасининг муаллифи борасидаги баҳс ҳозиргача тўхтаган эмас.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳижрий I асрнинг иккинчи ярми – II аср бошларида яшаган Абу Алий Муҳаммад ибн ал-Мустанир ал-Басрий (вафоти: ҳижрий 206/милодий 821 йил) дастлабки «Al-muthallath» номли асар муаллифидир. У «Қутруб» («Ялтироқ қурт») лақаби билан машҳур. Бу лақабни унга устози, араб тили грамматикасининг ривожига катта ҳисса қўшган олим Сибавайх қўйгани тазкира китобларида баён қилинган.

Ҳожи ал-Халифа ўзининг «Kashf¹ az-zunūn¹» номли тазкирасида қайд этишича, Қутрубнинг «Al-muthallath fi al-lughat¹» асари ўз бобида биринчи китоб бўлиб, 32 байтдан иборат. Биринчи мисраси – «Yā mūla‘an bil-ghadza¹...»дир. Асарга Садидуддин ал-Варроқ ал-Баҳнасий, шайх Иброҳим ал-Лахмий, Ибн Зухайр, ал-Қуззош ва бошқалар шарҳ ёзган¹.

Хайриддин Заркалий эса «Al-‘A‘lām» номли тазкирасида келтирган маълумотлар биринчи «Al-muthallath» манзумасининг муаллифи борасида илмий баҳсни юзага келтиради. Унга кўра, Қутруб ўз асарини назмда ёзмаган. Балки кейинчалик Садидуддин ал-Варроқ ал-Баҳнасий (вафоти: ҳижрий 685/милодий 1286 йил) унинг «Al-muthallath»ини ражазга солиб, 32 байтли манзума тузган. Аз-Заркалий ушбу манзума нозимнинг «Мен Қутрубнинг «Мусаллас»ини қасида шаклида назмга солдим ва байтларини алифбо бўйича тартибладим», деган сўзи билан бошланишини ҳам илова қилган².

«Kashf¹ az-zunūn¹»да номлари зикр этилган шорихлардан бири шайх Иброҳим ал-Лахмийга мансуб шарҳнинг нусхаларидан бири ўрганилганда, унинг хутба қисмида Садидуддин ал-Варроқнинг номи тилга олиб ўтилгани аён бўлди. Эҳтимол, Қутруб «Al-muthallath»ни насрда ёзган, кейинчалик Садидуддин ал-Варроқ уни назмга солган бўлиши мумкин.

Испаниянинг «Эл-Эскориал» кутубхонаси каталогига берилган тавсиф эса мазкур баҳсга нуқта қўйишга имкон бермайди. Унда кутубхона фондида 30(3)-ашё рақами остида Қутрубга нисбат берилган «Al-muthallath» номли қўлёзма асар сақланаётгани қайд этилган. У тартиб бўйича мужалладдаги учинчи

¹ Khāji al-Khalīfatu. Kashfu-ṣ-ṣunūni. 2-jild. –Bayrut. –S.1586-1587.

² Khayru ad-dīni az-Zarakaliyyu. Al-‘A‘lām. 7-jild. – Bayrut. –S.315.

асар бўлиб, 93-саҳифадан бошланган. Унвонига эса «Бу Қутруб ибн Аҳмад ан-Нахвий тузган «Al-muthallath» китобидир» деб ёзилган. Яна французча изоҳ ҳам қўшимча қилинган:

«Ce petit traite en vers a ete publie par Ed. Vilmar (Marburg, 1857)» («Бу кичик назмий рисола 1857 йил Марбургда Эдвард Вилмар нашр эттирди»)³.

Мазкур қўлёзма ҳижрий 604 (милодий 1207) йилда кўчирилган бўлиб, бундан манзуманинг Садидуддин ал-Варроқ ал-Баҳнасийга (вафоти: ҳижрий 685/милодий 1286 йил) нисбат берилиши тўғри эмаслиги равшанлашади.

Бу асар билан боғлиқ чалкашлик Карл Броккелманнинг «Араб адабиёти тарихи» номли кўпжилдли асарида ҳам учрайди. У аввалига биринчи назмий «Al-muthallath» асари Абдулваҳҳоб ал-Муҳаллабий ал-Баҳнасий қаламига мансуб эканини таъкидлаб⁴, кейин Шамсуддин Абул Қосим Абдулваҳҳоб ибн ал-Ҳасан ибн Баракот деган олим ҳам бу мавзуда манзума битганига ишора қилади. Аслида Брокелман зикр қилган иккала муаллиф ҳам бир шахс бўлиб, унинг тўлиқ исми Садидуддин Абул Қосим Абдулваҳҳоб ибн ал-Ҳасан (ёки ал-Ҳусайн) ибн Баракот ал-Варроқ ал-Муҳаллабий ал-Баҳнасийдир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Асосий қўлёзмалар фондида сақланаётган Р-3252 ашё-рақами остидаги мужаллад ҳам мазкур баҳсни ойдинлаштиришга ёрдам бера олади. Мужалладдаги II асар «Al-muthallath» манзумаси бўлиб, асар 40а–42б саҳифаларни эгаллаган. Асар Абу Алий Қутрубга нисбат берилган бўлиб, институт каталогларида бу ном «Қутб» ёки «Қуртуб» тарзида нотўғри қайд этилган.

Мужалладнинг 42б–43а саҳифаларида манзумага яна бир нечта шаклдош сўзлар ҳам илова қилинган. 43б саҳифадан эса манзумага ёзилган шарҳ берилган ва 46а бетда якунланмай узилиб қолган. Котиби, кўчирилган ери ва ўрни маълум эмас.

Мазкур қўлёзма аввалида асарнинг Абул Қосим Абдулваҳҳоб ибн Ҳасан ибн Баракот Абу Муҳаммад ал-Баҳнасийдан ривоят қилингани

битилган ва унинг Қутруб қаламига мансуб «Al-muthallath» асарини назмга солгани, алифбо тартибида жойлаштириб, 33 байтдан иборат манзумада жамлагани ҳақидаги фикрлари иқтибосан келтирилган. Бу ўринда байтлар сони 33 та деб кўрсатилган бўлса-да, қўлёзманинг ўзида ҳам улар 32 тадан ошмайди. Эҳтимол, бу котибнинг хатоси бўлиши мумкин. Тўртликлар алифбо бўйича тартибланган. Биринчи байт муаллифнинг хутбасидан иборат.

Иккинчи байтдан асосий қисмга ўтилган ва ҳамзали сўз (لن) билан бошланган. Кейинги тўртликлар эса биринчи сўзига мувофиқ – (الاب), (تجبت), (ميت) – алифбо бўйича жойлаштирилган. Ушбу қўлёзма ҳам тилшуносликнинг шаклдош сўзларни ўрганувчи соҳасини қимматли манбалар билан бойитган илк манзума Қутруб томонидан эмас, балки Ибн Ҳасан ал-Баҳнасий томонидан ёзилганига ишора қилмоқда.

Демак, шаклдош сўзларга бағишланган биринчи «Al-muthallath» номли асар Муҳаммад ибн Мустанир Қутрубга тегишли эканида шубҳа йўқ. Аммо Қутруб уни насрда ёки назмда ёзгани маълум эмас. Қолаверса, «Al-muthallath» номли энг қадимги манзума ҳақида гап борганда Садидуддин ал-Варроқ ал-Баҳнасий исмини ҳам тилга олиш адолатдан бўлади.

«Muthallath⁵ Qutrub⁶» асарининг Дублин (1363 й.) ва Қоҳира (1606 й.) нусхалари ҳам нодир манбалар сирасига киради⁵.

Бизгача етиб келган «Мусаллас»ларнинг энг қадимийларидан яна бири Абу Исҳок Зужжож (вафоти ҳижрий 311 йил) қаламига мансуб асардир. У 16 та сўзни ўз ичига олган бўлиб, муаллиф ўз далилларини Қуръони Карим ва араб шеърятдан келтирган.

Ушбу соҳага доир яна бир асар – «Al-ʿawraq⁷ min kitāb⁸ al-muthallath⁹» номли асар бўлиб, уни Абу Абдуллаҳмон Қирвоний (ваф. х. 412 й.) тузган. Қизиқarli жиҳати шундаки, мусанниф ўз китобига фақат ўтган замон қолипидаги феълларни киритган.

Кейинги даврларда эса Қутрубнинг манзумасига назмий ва насрий шарҳлар ёзиш урфга кирган. Жумладан, Садидуддин ибн Баракот ал-Муҳаллабий ал-Баҳнасий (XIII), Иброҳим ибн Ҳибатуллоҳ ал-Маҳаллий ал-Лахмий (XIV), Маждуддин ал-Ферузободий

³ Ce petit traite en vers a ete publie par Ed. Vilmar (Marburg, 1857) (<http://k-tb.com/manuscript/microfilm2792>).

⁴ Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. II. - Leiden, 1937. -Z.140.

⁵ Qutrub. Muthallathu Qutrub (<http://k-tb.com/manuscript/azharyah3883>)

(1328–1414) томонидан ёзилган шарҳлар муҳим манбалардан саналади. Номи зикр этилган охириги шориҳ Маждуддин Ферузободийнинг шаклдош сўзлар мавзусига бағишланган «*Kitāb al-ghurari al-mubaththathati wa ad-durari al-muthallathati*» номли мустақил асари ҳам бор. Ферузободий ўзигача давом этиб келган «мусаллас» тузиш анъанасини сақлаган ҳолда ўзи ҳам қатор янги «мусаллас»лар билан китобини бойитган.

«Мусаллас» тузиш анъанасини XII асрда андалусиялик олим Ибн Саййид Баталявсий давом эттирди. Унинг асари тўла маънода изоҳли луғат талабларига жавоб бера олиши билан қимматлидир. Бу луғатнинг мўътабар нусхаси (1197 йилда кўчирилган) АҚШнинг Яле университети кутубхонасида сақланади. Қолаверса, Работ шаҳридаги Шоҳ кутубхонаси хазинасида сақланаётган нусха (1239) ҳам нисбатан қадимийдир⁶.

Араб тилшунослигининг бу тармоғида салмоқли хизмат қилган олим сифатида Ибн Молик (XIII) эътироф этилади. У шаклдош сўзларга оид учта рисола ёзиб қолдирган. Жумладан:

1) «*Al-'i'lām bi-tathlīthi al-kalām*» – бу асар манзума бўлиб, 2704 байтдан иборат. Аҳмад ибн Амин Шинқитий унга шарҳ ёзган. Ушбу рисола 189 та сўз варианты, 1205 та омоним ва пароним сўзларни ўз ичига олган;

2) «*Al-'i'lām bi-muthallathi al-kalām*» – насрий рисола бўлиб, 92 та сўз варианты, 697 та омоним ва пароним сўзларни қамраб олган;

3) «*Al-'Ikmāl al-'I'lām bi-tathlīthi al-kalām*» – насрда ёзилган ушбу рисола 163 та сўз вариантлари ва 2131 та омоним ва пароним сўзлардан тузилган.

«*Al-'Ikmāl al-'I'lām bi-tathlīthi al-kalām*» асарининг мўътабар нусхаси ҳозирда Туркиянинг Файзуллоҳ Афанди кутубхонасида сақланаётгани маълум. 1324 йилда кўчирилган мазкур нусха «*Al-muthallath al-musammāt*» номи билан фихристга киритилган⁷.

Ибн Молик мусаллас асарининг яна бир қадимий кўлёмаси Дамашқнинг Зоҳирия

кутубхонасида сақланмоқда. «*Risālat fī tathlīthi al-kalām*» деб номланган ушбу нусха 178 варақдан иборат бўлиб, насх хатида, 1337 йилда котиб Абдуррахмон ибн Абу Бакр томонидан кўчирилган⁸.

Бундан ташқари, турли тарихий манбаларда «Мусаллас» услубида изоҳли луғат тузган, аммо асарлари бугунги кунгача сақланмаган мусаннифлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Улар орасида Абу Зайд Ансорийнинг «*At-tathlīth*», Абу Абдуллоҳ Андалусийнинг «*Ghāyat al-mārām fī tathlīthi al-kalām*», Абу Тоййиб ибн Яҳё Вашонинг «*Al-muthallath*», Абу Саҳл Ҳаравийнинг «*Al-muthallath*» ва яна бошқа кўплаб асарлар номларини кўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, «мусаллас» туридаги луғатлар тартиб бериш асрлар мобайнида шаклланган илмий анъана бўлиб, ўз қонун-қоидалари ва тартиб-таомилларига эга. Хусусан, муаллифлар бундай луғатни тузишда қуйидаги шартларга қатъий риоя этиши лозим:

– араб тили лексикасига мансуб учта сўз битта «мусаллас» остида жамланади;

– бу сўзлар ўзак таркиби жиҳатидан бир хил бўлиши керак;

– сўзлар биринчи ўзак ҳарфининг ҳаракати ўзгаришига кўра, иккинчи ўзак ҳарфининг ҳаракати ўзгаришига кўра, учинчи ўзак ҳарфининг ҳаракати ўзгаришига кўра, биринчи ва учинчи ўзак ҳарфининг ҳаракати ўзгаришига кўра таснифланади;

– «мусаллас»даги сўзлар ўзаро фақат бир ёки икки қисқа унли товуш ҳисобига фарқ қилиши мумкин;

– агар «мусаллас»даги сўзларнинг бир ёки икки қисқа унли товуши ўзгарса ҳам, маъноси бир хил бўлса, у ҳолда муттафиқ деб номланади;

– агар «мусаллас»даги сўзларнинг бир ёки икки қисқа унли товуши ўзгариши билан уларнинг маъносида ҳам ўзгариш кузатилса, у ҳолда мухталиф дейилади;

– «мусаллас»лар луғатда алифбо тартибида жойлаштирилади, шунингдек, аввал исм сўз туркуми бўйича, сўнг феъл, кейин эса ҳарф сўз туркуми бўйича «мусаллас»лар ўрин олади.

⁶ *Kitāb al-ghurari al-mubaththathati wa ad-durari al-muthallathati* (<http://k-tb.com/manuscript/qyran1192>)

⁷ *Al-muthallath al-musammāt* (<http://k-tb.com/manuscript/islamic3482>)

⁸ *Fihristu al-maktabati az-Zāhiriyyati*. -Dimashqu. 1990. –S.254.